

АМИР ТЕМУР УЗУГИНИНГ СИРИ

МАҲМУДОВ ЖАСУРБЕК

филология фанлари номзоди,

Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси

Аннотация. Ушбу мақолада Амир Темур узугига нақшланган учта ҳалқа шакли ҳамда унга ёзилган “ростий рустий” жумласи манбаишнослик ва матнишнослик жиҳатидан таҳлил қилинди. Бунда учта думалоқ шакл ва ҳикматли сўзнинг уйғунлик касб этишига диққат қаратилди.

Таянч сўз ва иборалар: Амир Темур, узук сири, “ростий рустий”, учта ҳалқа шакли, шайх.

Аннотация: В статье идет речь о кольце Амира Темура с изображением трех колец и выбитой надписи «рости руси». Автор излагает результаты исследования с точки зрения источниковедения и текстологии

Опорные слова и выражения: Амир Темур, секрет кольца, «рости руси», форма трех колец, шейх.

Abstract. This article deals with the mystery of Amir Temur's ring, which, like all overlords, had the role of a seal. As it is known from the information of historians, there were depicted three ring figures and was written "growth grow".

Keywords and expressions: Amir Temur, mystery ring, "grow up", three ring figures, sheikh.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан нашрга тайёрланадиган “Шарқшунослик” журналининг 4-сониди (1993 йил) А.Болтаевнинг “Амир Темур муҳри ҳақида” деган мухтасар мақола-хабар иълон қилинган. Унда қуйидагиларни ўқиймиз: “...Амир Темур муҳрига оид маълумот Соҳибқироннинг Франция қироли VI Шарлга йўллаган жавоб мактубидан ҳам ўрин олган. Бу мактуб матни Мир Абдор Мир Бағирзода томонидан “Аланга” журналида (Т., 1992 й., 1-сон) босилган эди; 1992 йилдан бошлаб чиқаётган “Савдогар” газетасида (23-сон, 1993 й.) қайта босилди. Ушбу мактубда Амир Темур муҳри ҳақида қуйидагилар ёзилган: “Номанинг оятида босилган Амир Темур муҳрининг устида бўлган учта ҳалқанинг шакли бордир. Бундаги ёзув эса “Ростий – рустий” сўздан иборатким, - тўғри бўлсанг, нажот кўрасан, - демакдир...”. Келтирилган қисқа ахборотдан маълум бўладики, мавжуд тадқиқотларда Амир Темур муҳрида битил-

ган сўзларни ўқишда ҳам, талқин этишда ҳам айтилган фикрларда баъзи фарқлар бор. Бу фарқлар Амир Темур муҳрига оид мавзу тадқиқотини давом эттириш мақсадга мувофиқ эканлигини ва бу борада манбалардаги хабарларга синчковлик билан эътибор бериш лозимлигини кўрсатади...”¹.

Мақоладаги охирги ишорага кўра, биз ҳам мазкур узук сири билан қизиқиб қолдик. Зеро, Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва адабий меросини ўрганиш жараёнида Амир Темур пирларидан бири Абу Бакр Тойободий бўлганини ва узукдаги ҳикматни мазмуни улар айтганини ўқигандик. Жомий ва Навоий тазкираларидаги “Заҳриддин Муҳаммад Хилватий” бўлимида Абу Бакр Тойободий, Шайх Сайфиддин Хилватий, Шайх Муҳаммад Хилватий ва илмий иш мавзуимиз қаҳрамони Паҳлавон Маҳмуд Паккаёр ҳақида қуйидагича эслаб ўтилган: «Мавлоно

¹ А.Болтаев. Амир Темур муҳри ҳақида. “Шарқшунослик” журналы, Тошкент, Фан, 1993, -Б. 109.

Заҳириддин Хилватий, қаддасаллоҳу сирраҳу, ул зоҳир ва ботин илмини ўзида жамъ қилган зот эрди. Мавлоно Зайниддин Абу Бакр Тойободий «фалак тоқининг остида Заҳириддиндек инсонни билмасман», дея марҳамат қилган эканлар. Шайх Сайфиддин Хилватийнинг муридлари эрдилар ва ўн беш йил аларнинг хизматлари ва суҳбатларида бўлдилар. Ва Шайх Сайфиддин 783 (йил)да дунёдан ўтдилар ва қабри Гозургоҳ кўприги бошида жойлашган Хилватийлар мазоридадир. Ва Шайх Сайфиддин Хилватий Шайх Муҳаммад Хилватийнинг муридларидир. Айтишадики, ҳар қачон ул зот (Муҳаммад Хилватий) Хоразмда зикрга машғул бўлсалар, овозлари тўрт фарсах жойга етарди ва Пахлавон Маҳмуд Паккаёр (پکه یار) унинг ҳамасри бўлган ва у билан суҳбат қурган... Шайх Заҳириддин етти хил усулда кироат қилувчи қорилардан бўлган. У айтардики, Қуръонни тўлиқ устозимга ўқиб берган кечаси Ҳазрат рисолатпаноҳ Муҳаммад с.а.в.ни тушимда кўрдим. Улар: «Эй Заҳириддин, Қуръон ўқи», дея марҳамат қилдилар. Аввалдан то охиригача (ул ҳазратга) Қуръонни ўқиб бердим. Тарих ҳижрий 800 йилда бу оламдин борди ва қабри Хилватийлар мазорида, Шайхининг ёнларидадир (Оллоҳ раҳматига олсин)».

“Насойим-ул муҳаббат”да Мавлоно Зайниддин Абу Бакр Тойободий ҳақида маълумотларда келтирилишича Шайх Аҳмади Жомнинг руҳониятидан таълим олган Увайсий авлиё, етти йил оёқяланг ва яёв Жомга қатнаган, минг маротаба Қуръони карим хатмини қилган бу зотга улуғлар зотларнинг эҳтироми кучли бўлган. Ҳижрий қамарий 791 йил муҳаррам ойининг охирларида вафот этган Мавлоно Зайниддин Абу Бакр Тойободий ҳақида Алишер Навоий ўз тазкирасида жуда кўплаб маълумотлар келтиради. Энг қизиқ маълумот эса ёшлиги ва яхши танимагани сабаб Мавлонони тириклигида зиёрат қилолмагани учун қаттиқ афсусу надоматлар қилган Хожа Муҳаммад Порсо тилидан айтилган қуйидаги воқеадир: “Хожа Муҳаммад Порсо қ. с. сўнги марта ҳажга бораётганларида Мавлоно Зайниддин қ.с. мазорига

зиёратига келган эканлар. Улар жуда афсус билан шундай деган эканлар: биринчи марта хожаи бузургвор, яъни Ҳазрат Хожа Баҳоуддин билан Маккага борар эдик. Бухородин Марвга етганимизда Нишопурда яна қайта бирлашиш мақсадида карвонимиз иккига бўлинди; баъзилар Машҳади муқаддас равзаси томон майл қилдилар ва баъзилар Ҳирот сари юзландилар. Ҳазрати Хожаи бузургвор Ҳирот сари мойил бўлдилар ва “у ерда Мавлоно Зайниддин Абу-бакр Тойободий суҳбатига етишни истаймиз”, дедилар. Менинг йигитлик ва ҳали Мавлононинг аҳволидин хабарим йўқ пайтим эди. Шу сабаб Машҳад сари кетдим... Хожа Муҳаммад Порсо дейди: “Қачонки Ҳазрат Хожаи бузургвор Тойободга етганларида сабоҳ намозини Мавлоно билан ўтаганлар ва намоздан фориг бўлгандан сўнг бурунги сафда ўз тариқлари билан мувоқабатга машғул бўлганлар. Мавлоно авродни тугатгандан сўнгра уларнинг қошига келиб, кўришибдилар ва исмларин сўрабдилар. Улар “Баҳоуддин”, деб жавоб берибдилар. Мавлоно “бизнинг учун бир нақш боғланг!” дебдилар. Улар жавоб берибдилар: “бу ерга бир нақш олиб кетиш учун келганмиз” деган эканлар. Шунда Мавлоно ҳазратлари уларни уйлариға элтибдилар ва икки-уч кун суҳбат тутибдурлар ва хайрбод қилиб, Нишобурда қофилаға кўшибдилар”.

Тарихчиларнинг айтишича, Амир Темур узугидаги узугига “Ростий – рустий” ҳикмати айнан Мавлоно Зайниддин Абу Бакр Тойободий унга тавсия қилган. Бу ҳикматнинг таржимаси “Тўғри бўлсанг нажот топасан ёки нажот – тўғрилиқдадир”, бўлиб, ҳозирда уни мазмунан “Куч адолатдадир” ҳолатида таржима қилишади.

Ҳикматда адабиётшуносликдаги, китобат, ийҳом санъатлари яширинган. Китобат санъати бўйича “ростий (راستى) ва рустий (رستى) сўзларининг араб алифбосида ёзилишида битта “алиф” харфи ажратиб туради ва шу “алиф”нинг ёзилиш ҳолатидан ҳам ҳикматга оид мазмун мавжуд; яъни, “алиф”дек “рост ва тўғри” бўлсанг, ўсасан, камол топасан, нажот

топасан, деган мазмун чиқади. Ийҳом санъати бўйича эса битта сўздаги икки хил маънони тушунишни олиш мумкин. Зеро, ҳикматдаги иккинчи сўзни икки хилда, яъни растан ва рўстан шаклида ўқиш мумкин ва икки ҳолат ҳам ҳикмат мазмунига мос келади. Растан: رستن (ҳозирги замон шакли ر) 1. қутилмоқ, халос бўлмоқ, йўл топмоқ, нажот топмоқ. Рўстан: رستن (ҳозирги замон шакли رو ёки روى) 2. ўсиш, юксалиш, камол топиш, деган маъноларни англатади. Агар ҳикматдаги сўз “растан – нажот топмоқ” деб тушунилса, “нажот ростлик, тўғрилиқдир”, деган мазмун чиқади. Агар “рўстан – кўкармоқ” мазмуни қўйилса, “ростлик, тўғрилиқ билан кўкарасан, ўсасан”, деган мазмун чиқадики, бу ҳам ҳикмат мазмунига мос келади.

Шу ўринда иккала сўзга оид мисолларни келтирсак: Айтишларича, паҳлавон Рустамнинг онаси фарзандини туғгач, шунгдай катта ҳомиладан қутулганига шукр қилиб, “растам, яъни қутилдим”, деган эканлар. Ана шу сабабдан полвон жуссали чақалоққа Рустам, деб исм қўйишган экан.

Кези келганда айтиш мумкинки, форс тилидаги “рўстаний” – ўсимлик ва рус тилидаги “растение” – ўсимлик сўзлари бир хил ўзакдан бўлса керак, деган фикр ҳам туғилади.

Хуллас, Мавлоно Зайниддин Абу Бакр Тоӣбодий келтирган ҳикматда шундай мазмун яширинган: агар сен алифдек тўғри бўлсанг, ўсасан, юксаласан, камол топасан, нажот топасан, кучли бўласан.

Амир Темур узугида мазкур ҳикматли сўздан ташқари рамзий учта думалоқ шакл мавжуд. Мазкур рамз нима, деган саволга тарихчилар томонидан “учта иқлимни бирлаштириш ёки учта иқлим соҳибқирони, амири” деб талқин қилинади. Бизнингча, муҳрдаги “Ростий рустий” ҳикматида бу талқин мос келмайди. Зеро, бу мантикдан “тўғри бўлсанг, учта иқлимга соҳибқирон бўласан”, мазмуни чиқмоқда.

Бизнингча, Амир Темурнинг узугидаги учта думалоқ белги сирини ҳам Қуръони карим оят-

ларидан излаш лозим. Фикримизча, Амир Темур узугидаги мазкур учлик Қуръони Каримнинг кўпгина оятларида келтирилган инсон аъзосининг учта қисмига ишорадир. Булар қулоқ (самъ), басар (кўз) ва афъида (фуоднинг кўплиги, яъни қалб)ларга ишорадир. Яъни, бизнингча ҳикматга мос бўлган ушбу учликдан қуйидагини рамзий маънони англаш мумкин: агар қулоғинг тўғри эшитса, кўзинг тўғри кўрса ва қалбинг тўғри англаса нажотга эришасан!

Қуръони каримни минг маротаба хатм қилиб чиққан зот Мавлоно Абу Бакр Тойободийнинг ҳикмати ва ушбу учлик сирини айнан Қуръони каримдан излаш лозим. Жумладан, Қуръони каримнинг “Аҳқоф сураси, 26-оятда марҳамат қилинади: “Ва лақод макканнаҳум фий-маа ин макканнакум фийҳи ва жаалнаа лаҳум самъан, ва абсоран ва афъидатан фама ағнаа анҳум самъухум ва лаа абсорухум ва лаа афъидатухум мин шайъин из кануу яжжадуна биаятиллаҳи ва ҳоқа биҳим маа кануу биҳи ястаҳзиун. (Ҳолбуки, (эй, Макка аҳли,) Биз уларни (бойлик ва қувватда) сизларни қодир қилмаган нарсаларга қодир қилган эдик ва уларга қулоқ, кўз ва диллар (ато) қилган эдик. (Лекин) улар Аллоҳнинг оятларини инкор этганлари учун уларга қулоқ-кўзлари ҳам, диллари ҳам бирор фойда бермади ва уларни ўзлари масҳара қилиб юрган нарсалари ўраб олди (Аҳқоф, 26).

Пайғамбаримизга Аллоҳ таоло, қавминга ва умматларингга етказгилки, биз улардан олдин улардан-да қудратли ва бой қавмни келтирган эдик, уларга қулоқ, кўз ва диллар ато қилган эдик, бироқ улар оятларни инкор этганлари учун уларга қулоқ-кўзлари ҳам, диллари ҳам бирор фойда бермади, дея марҳамат қилинган. Айни шу оятдаги учта муҳим аъзо, яъни қулоқ, кўз ва дил мазкур учта думалоқ белгининг рамзидир. Зеро, улар ташқи томонга очилган дарчалардир. Шунга асосланиб айтадиган бўлсак, Амир Темур узугини қуйидагича шарҳлаш мумкин: қулоғинг билан тўғри эшит, кўзинг билан тўғри кўр ва дилинг билан тўғри

хулоса чиқар, шундагина сен нажотга эришасан! Зеро, сендан олдингилар уларнинг қадрига етмади ва уларга на бойлиги, на куч-қудрати фойда қилди.

Шунингдек, мазкур учлик ҳақида Қуръони каримнинг бошқа оятларида ўқиймиз. Жумладан, “Мўминун” сурасининг 78-оятида марҳамат қилинади: “У (Аллоҳ) сизлар учун кулоқ(лар)ни, кўзларни ва дилларни пайдо қилган зотдир. (Сизлар бунга) жуда кам шукр қилурсизлар”.

“Сажда” сурасининг 9-оятида: “Сўнгра уни тиклаб, ичига Ўз (мулкидаги) руҳидан киритди. Сизлар учун кулоқ, кўз, дилларни пайдо қилди. Шукрни эса кам қилурсизлар”. “Мулк” сурасининг 23-оятида: (Эй Мухаммад, у (кофирларга) айтинг: “У (Аллоҳ) сизларни пайдо қилган ва сизлар учун кулоқ, кўзлар ва дилларни (ато) қилган зотдир. (Сизлар эса) камдан-кам шукр қилурсизлар”.

Энг даҳшати эса, мазкур учликнинг ёпилиши, муҳр урилишидир. Бу ҳақда ҳам Қуръони каримнинг илк сураларидан бўлган Бақара сурасининг 7-оятида шундай марҳа-

мат қилинади: “Хатамоллоҳу алаа қулубиҳим ва алаа самъиҳим ва алаа абсориҳим ғишаватув-ва лаҳум азабун-азийм” (Уларнинг диллари ва кулоқларига Аллоҳ муҳр уриб қўйган. Кўзларида эса парда (бор). Улар учун улкан азоб (тайёрлаб қўйилгандир)”.

Шунингдек, “Жосия” сурасининг 22-оятида шундай марҳамат қилинади: “Афароайта манит-тахоза илаҳаҳу ҳаваҳу ва азоллаҳуллоҳу ала илмин ва хатама ала самъиҳи ва қалбиҳи ва жаала ала басориҳи ғишаватан фаман яхдийҳи мим-баъдиллаҳи афалаа та-заккарун”. (Жосия 23) “(Эй, Мухаммад)б ҳавойи нафсини ўзига “илоҳ” қилиб олган ва Аллоҳ уни билган ҳолида адаштириб, кулоқ ва кўнглини муҳрлаб, кўзига парда тортиб қўйган кимсани кўрдингизми? Бас, уни Аллоҳ (адаштиргани)дан сўнг ким ҳидоят қила олур?! Ахир эслатма олмайсизларми?!”

Хулоса шуки, Амир Темур узугидаги учта очик, думалоқ рамзий шакл булар – қалб, кулоқ ва кўзнинг ҳидоят билан очик ва тўғри бўлишига ишорадир. Шундагина инсон ҳақиқий нажотга эришиши муқаррардир.

